

6-12-2019

Permanent games in Namangan children's folklore and their lokal features

Sh. Turg'unov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Turg'unov, Sh. (2019) "Permanent games in Namangan children's folklore and their lokal features," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 14.

DOI: 398

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss2/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК: 398

НАМАНГАН БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИДА ДОИМИЙ ЎЙИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ
ПОСТОЯННЫЕ ИГРЫ В НАМАНГАНСКОМ ДЕТСКОМ ФОЛЬКЛОРЕ И ИХ ЛОКАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ
PERMANENT GAMES IN NAMANGAN CHILDREN'S FOLKLORE AND THEIR LOKAL FEATURES

Ш.Турғунов

Аннотация

Мақолада Наманган болаларининг доимий ўйинлари тадқиқ этилган ва мавзу бир қатор ўйинлар таҳлили орқали ёритилган.

Аннотация

В статье исследованы постоянные игры намаганских детей, при этом данная тема освещена при помощи анализа ряда игр.

Annotation

In the given article children's permanent games and the subject is illustrated with the analyses of several games are researched

Таянч сўз ва иборалар: болалар ўйинлари, мавсумий ўйинлар, доимий ўйинлар, ритуал ўйинлар, локал хусусият.

Ключевые слова и выражения: детские игры, сезонные игры, постоянные игры, ритуальные игры, локальная особенность.

Keywords and expressions: children's games, permanent games, seasonal games, ritual games, lokal features.

Макон ва замон категориялари фалсафий жиҳатдан таҳлилу талқинларга муҳтож эмас, аммо бадий макон ва замон муаммолари эса жуда кўплаб тадқиқотларга муҳтождир [1,69]. Шу нуқтаи назардан болалар ўйинларини ҳам ушбу мезон асосида таснифлаш орқали тадқиқ этиш айна муддаодир. Шундай экан, Наманган болалар ўйинларини анъанавий халқ календари ва вақт ҳисобига муносабат билдиришига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) доимий ўйинлар;
- 2) мавсумий ўйинлар.

Мазкур мақолада Наманган болаларининг йилнинг тўрт фаслида ҳам истъмолда бўладиган доимий ўйинлари борасидаги фикрларимизни баён этамиз.

Ўзбек болалар ўйинларини монографик тарзда тадқиқ этган олим Ш. Галиев тўғри таъкидлаганидек, айрим ўйинлар йил фасллари алмашилишидан қатъий назар, ўйнаиб келинавериши [2,25]. Табиийки, бундай ўйин турлари доимий ўйинлар сирасига киради. Ш. Галиев ўзбек болалар ўйинларининг кўпгина қисми вақт белгиси муносабатига кўра доимий ҳисобланишини қайд этади [2,25], лекин биз Наманган болалари ўйинларини ўрганар эканмиз, болалар томонидан ўйналадиган доимий ўйинлар салмоғи мавсумий ўйинларникидан камроқ эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Доимий ўйинларга Наманган болалар ўйинлари таркибига кирувчи “Бекинмачоқ”, “Бештош”, “Тўптош”, “Қулоқ чўзма”, “Чап чўнтак”,

“Мушт кетди”, “Чавати қотир, ёққа ботир!”, “Кўз бойлағич”, “Ойнакми? Тароқ?” каби бир қатор ўйинларни киритиш мумкин.

Масалан, “Бекинмачоқ” ўйини замон ва макон танламайдиган доимий ўйинлардандир. Бу ўйин асосан қоронғу тушгач ўйналади. Чунки ўйин табиати шуни тақозо этади, яъни қоронғуликда ўйин иштирокчилари учун яширинадиган жойлар кўп бўлади. Маҳмуд Кошғарий “Девони луғотит турк” асарида қайд этган қадим аждодларимиз томонидан ўналган “Қарағуни” ўйини ҳам кечаси ўналган [3,261] ва бу ўйинни ўзбек болалари орасида кенг оммалашган “Бекинмачоқ” ўйинининг тарихий кўриниши, деб қараш мумкин. Ш. Галиев ҳам ҳозирги кунда болалар томонидан ўйнаиб келинаётган анъанавий “Қора кўрдим” ўйинининг тарихий “Қарағуни” ўйинининг бугунги кунда сақланиб қолган варианты бўлиши мумкинлиги ҳақидаги гипотезани илгари суради ва ўйинга тавсиф беради [2,9]. Ғ. Жаҳонгиров эса “Қора кўрдим” ўйинини бекинмачоқ типигадаги ўйин тури сифатида эмас, маълум бир буюмни (тугмани) яшириш ва уни топишга қаратилган ўйин тури сифатида тавсиф этади [4,106]. Наманган вилоятида бу ўйиннинг “Сопол беркитар”, “Тош беркитар” номи билан аталадиган локал типлари мавжуддир. Демак, бу маълумотлар ўзбек болалар ўйинлари таркибида “Қора кўрдим” номли иккита мустақил ўйин тури мавжуд эканлигини кўрсатади.

Биз Наманган болалари ўйинларини ёзиб

Ш.Турғунов – Андижон давлат университети тадқиқотчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

олишда бевосита гувоҳи бўлган “Қоронғу-қоронғу” ўйинини мазмун-моҳиятига кўра қадимий “Қарағуни” ўйинининг айнан ҳозирги кундаги кўриниши эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ўйиннинг ўзбек болалар ўйинлари таркибида “Зим-зиё” деб номланувчи локал варианты ҳам мавжуд[5,60].

“Қоронғу-қоронғу” ўйини қоронғу тушгач, очиқ макон, яъни ташқарида ҳам, ёпиқ макон ҳисобланмиш уй ичида ҳам ўйналаверади. Ўйналиш тартиби “Бекинмачоқ” ўйини билан деярли бир хил. Фақат уй ичида ўйналганда чироқ ўчириб қўйилади, қидирувчи бола яширинганлардан бирортасини топа олмагунча, чироқни ёқиши ва хонани бошқа воситалар ёрдамида ёритиши мумкин эмас.

Тўғри, “Бекинмачоқ” баъзан кундуз куни ҳам ўйналиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди, лекин кундузи ўйналганда, қоронғуда ўйналганчалик қизмайди. Шу важдан бўлса керак, ўйин кўпроқ қоронғуда ўйнашга хосланиб қолган.

“Бекинмачоқ” ўйинининг доимийлигини, баъзан об-ҳаво ўйин ўйнаш учун қулай бўлмаган қиш-қировли кунларда уни уй ичида ҳам ўйнаш мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўйин уй ичида ўйналганда кўпинча навбатчи (қидирувчи) бола яширинувчилар беркиниб олгунларига қадар ташқарига ёки бошқа хонага чиқиб туради. Яширинувчи иштирокчилар шароитдан келиб чиқиб, уй ичидаги овлоқ жойларга яширинишга ҳаракат қиладилар. Улар кўпинча ўзбек уйларида кўп учрайдиган парда тутилган токчалар орқасига, тахмондаги кўрпа-тўшаклар орасига, осиб қўйилган тўн ва бошқа кийимлар орқасига, жуссаси кичикроқлари жавон ва ҳатто қиш куни бўлгани учун қурилган танча (сандал) ичига ҳам яширинадилар. Ўйин майдони бир оз торроқ бўлса-да, болалар ўйинни имкон қадар қиздиришга уринадилар ва бунга эришадилар.

Ўйинда навбатчи ҳисобланган топувчи бола ўйин майдони теварагидаги девор, дарахтлар ортига ва бутазор, жўхоризор каби экинлар орасига яширинганлардан бир-иккитасини топиб олса ҳам, улар ўйиндан ташқарига чиқмайдилар, энди бошқа бир, яъни огоҳлантирувчи бола вазифасида ўйинни давом эттирадилар. Қолган шерикларини яширин сўзлар билан огоҳ этиш орқали уларга ёрдам қилиб:

Олма десам, чиқасан!

Беҳи десам, чиқмайсан!

дея хитоб қиладилар. Агар топувчи бола “пакка”, яъни “уй”идан узоқлашса, “Олма! Олма!” деб қичқирадилар. Шунда яширинган бола жойидан чиқиб, югурганча “пакка” га келиб туфлаб қўйса, топувчининг ҳаммасини яна бошидан бошлашига тўғри келади. Аксинча, топувчи “пакка”га олдинроқ келиб туфлашга эришса, топилган бола билан ўрин алмашади.

Мабодо топувчи шериклари яширинган томонга яқинлашса, “Яхшироқ яширин!” деган маънода “Беҳи! Беҳи!” дея қичқирадилар.

Болаларнинг бу икки вазиятнинг бири учун “олма” ва бошқаси учун айнан “беҳи” яширин – тақия сўзларини қўллашлари тасодифий эмас. Беҳи олмага нисбатан кечроқ пишиб-етилади. Шу сабабли болалар “Яширинган жойингдан чиқсанг бўлади”, яъни “Топувчи “уй”, “пакка”дан узоқлашди”, деган маънода “Олма”, “Яширинган жойдан чиқишга ҳали вазият етилмади” маъносида “Беҳи” дея қичқирадилар.

Наманган халқ оғзаки поэтик ижодида олма, анор, беҳи каби мевалар тасвири жуда кўп учрайди. “Наманганнинг олмаси”, “Олма оқиб келади, беҳи қоқиб келади...”, “Олма отдим отганга...” каби лапар ва кўшиқ намуналари шулар жумласидандир.

Бу ҳудудда қадим замонларданоқ боғдорчилик ва деҳқончилик ривожланган, пишиқчилик маҳали анъанавий тарзда “Ҳосил байрами”, “Қовун сайли” каби маросимлар ўтказилган[6,252]. Ғ. Жаҳонгиров ҳам “...боғдор аҳолининг “Мева сайли”, “Қовун сайли”, “Шафтоли пишди”, “Мева териш”, “Қовунхўрлик”, “Узумхўрлик” сингари иборалар билан айтилиб келган ўйин турлари бор”[4,116] эканлигини ёзади. Демак, болалар бундай маросимларда катталар қатори иштирок этганлар ва катталарга тақдидан юқоридаги каби ўйин турларини ўйлаб топганлар.

Оғзаки ижод намуналарининг халқ ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ равишда яралиши ҳамда сайқал топишини эътиборга оладиган бўлсак, азалдан боғдорчилик тараққий этган мазкур ҳудуд оғзаки ижод намуналари таркибида турли мева номларининг кўплаб учраши уларнинг локал белгилари ҳисобланади, шу билан бирга бу каби айтимларнинг генетик илдизларига етишда муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилади.

Наманган болалари ўртасида кенг оммалашган, йилнинг тўрт фаслида ҳам истеъмолда бўлган доимий ўйинлардан яна бири “Қулоқчўзма” ўйинидир. Бу ўйин асосан болалар кўп тўпланадиган Наврўз, Ҳосил байрами ҳамда хатна тўйи кунларида ўйналган. Чунки ўйинда ўн беш-йигирматадан ўттиз-қирқтагача, баъзан ундан ҳам кўпроқ иштирокчи қатнашган. Ўйиннинг ўйналиш тартиби ва жараёни катталарнинг шиддаткор ўйинларидан бири “Улоқ” (кўпкари)га жуда ўхшаб кетади. “Улоқ” ўйинининг бошқариб борувчиси – саркори бўлганидек, “Қулоқ чўзма” ўйинининг ҳам саркори – ўйинбошиси бўлган. Мазкур ўйин гарчи болалар ўйини ҳисобланса-да, лекин катталар томонидан ташкил этилган ва бошқарилган. Бу ўйинни кўпинча болаларни яхши кўрадиган, ёши

улуғ бўлса-да, кўнгли болаларникидай ёш ва беғубор бўлган кишилар ташкил қилиб, бошидан охирига қадар бошқариб борганлар. Бундай кишилар болалар билан баравар қувониб, баравар завқланганлар ва бевосита ўйин иштирокчисига айланганлар.

Ўйинбоши киши болаларни бир жойга жамлаган ва бир дона танга пулни рўмолчасининг учига тугиб, кучи етганича узоқроққа улоқтирган. Танга улоқтирилган ҳамона болалар ўша томонга қараб чопганлар ва пулни қўлга киритишга уринганлар. Ўйин предмети ҳисобланган тангани қўлга киритган бола ўйинбошининг олдига қараб чопган. Агар у қолган иштирокчилар ичидан тангасини олдирмай чиқиб, ўйинбошининг қўлига топшира олса, ана шу танга пул ўзиники бўлган ва ўйин давоми учун бошқа танга қўйилган. Албатта, бунда юқорида таъкидлаганимиздек, болажон кишилар ўйин учун ҳомийлик қилганлар ва эпчил, уддабурон, чапдаст болаларга мухлис сифатида томошабин бўлганлар. Лекин тангани қўлга киритиш ва уни эсон-омон сарқор қўлига етказиб бориш осон иш эмас. Бунинг учун болалардан катта матонат, чидам, сабот талаб этилган. Кўринадики, ушбу ўйин турида синов мотиви устунлик қилади. Зеро, Н.Сафарова таъкидлаганидек, “Ўйинларда ғолиб келиб, “қахрамон”га айланувчи боланинг ҳар бир ҳаракати синовдан ўтказилади. Синов мотиви етакчилик қилган ўйинларда мард, эпчил, кўрқмас, зукко бола ғолиб келади”[7.63].

Тангани қўлга киритган бола қолган барча иштирокчилар томонидан таъқиб этилган: йўли тўсилиб, барча унга баравар ёпишган ва тинмай иккала қулоғи чўзилган. Агар қулоғининг оғриғига чидай олмаса, тангани улоқтириб юборган ва шу заҳоти болаларнинг таъқибидан қутулган. Агар ана шундай синовларга дош бера олса, у ўйиннинг ғолиби саналган ва юқорида таъкидлаганимиздек, совринни қўлга киритган. Ўйин номининг “Қулоқчўзма” деб номланиши ҳам шундан. Демакки, бола қулоғининг бироз чўзилиши ҳисобига оладиган енгил жисмоний оғриқларга чидамли қилиш эвазига ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбия топишига эришилади. Бинобарин, юксак ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик тимсолига айланган аждодимиз Широқ эл-у юртини, Ватанини қулоқ ва бурунларини кесиш орқали етказилган жисмоний қийноқларга дош бериб бўлса-да, ёвлардан сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Зеро, Широқ ва у каби халқ қахрамонларининг етишувида юқоридаги каби ўйин турлари тарбия воситаси вазифасини ўтаган бўлса, ажаб эмас.

“Қулоқчўзма” ўйинининг илдишлари анча узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўйиннинг табиатига қараб, унинг “Улоқ” ўйинига тақлидан пайдо бўлган болалар ўйини сифатида эътироф этиш мумкин. Ўйиннинг айнан байрам ва тўй

кунлари ўйналгани ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқ этади, чунки миллий байрамларимиз ҳисобланмиш Меҳржон ва Наврўз кунлари ҳамда ўзбек тўйларида катта “Улоқ” ўйини ташкил этилган. Бу жиҳатига кўра ўйин ритуаллик касб этади.

Ўйиннинг пайдо бўлишида катталарнинг ташаббускорлиги асосий ўринни эгаллаганлиги аниқ. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкин: болалар “Улоқ” ўйинига тақлид қилганлар, бунинг кузатиб турган катталар эса ўйин ва унинг шартларини шакллантириб, ташкил этганлар ва бошқарганлар. Шу тариқа ўзлари ҳам пассивроқ бўлса-да, ўйин иштирокчисига айланганлар.

Байрамларимиз, шу билан бирга, тўйларимизнинг ҳам йилнинг деярли барча фаслларида ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда “Қулоқчўзма” ўйинини ҳам маълум бир мавсум билан қатъий боғлаб бўлмайди, шунинг учун бу ўйин турини ҳам доимий ўйинлар сирасига киритиш мумкин.

“Чап чўнтак” деб номланувчи болалар ўйинини ҳам вақт белгисига муносабат ифодалашига кўра доимий ўйинлар қаторига қўшиш мумкин. Ўйин болалар кийимининг бир қисми ҳисобланмиш чўнтак воситасида ўйналади. Ўйин иштирокчилари сони чекланмайди. Ўйинни ўйнашга келишган болалар ўзаро жимжилоқ бармоқларини уриштириб оладилар. Наманган болаларининг бир қатор ўйинларида болалар ўйин ўйнаш ва бошлаш учун ўзаро келишувни жимжилоқ бармоқларини уриштириш орқали амалга оширишлари мазкур регионга хос локал хусусият саналади.

Ўйин шартига кўра иштирокчилар доимий равишда чап чўнтақларини эҳтиёт қилишлари зарур, яъни чап чўнтақларига бирор керакли буюмларини солиб юришдан сақланишлари лозим. Агар ўйин иштирокчиларидан бири бошқа бир иштирокчига “Чап чўнтак!” дея хитоб қилса, чап чўнтагида қандай буюм бўлса, ютқазади. Агар чап чўнтагига бирор буюмни солишга мажбур бўлса, яъни бошқа чўнтақларида жой бўлмаса, ўйин шартига кўра бошқа шерикларини улардан аввал “Менга чап чўнтак”, дея огоҳлантириб қўйиши лозим. Шундагина шериклари унинг чап чўнтагига дахл эта олмайдилар.

Мазкур ўйин болаларни хушёрликка, тийракликка ўргатиши, хотирасини мустаҳкамлаши, эса сақлаб қолиш қобилиятини ўстириши билан дидактик аҳамият касб этади.

“Чап чўнтак” ўйинининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири унинг узоқ муддат давом этишидир. Ўйиннинг давом этиш муддати чегараланмаган. Иштирокчилар қанча хоҳласалар, шунча – бир неча кун, ҳатто ойлаб то иштирокчилар “Узилишдик!” деб, жимжилоқларини уриштириб олгунларига қадар давом этаверади.

ТИЛШУНОСЛИК

Бу ўйин турининг болалар бисотида ўринлашуви бевосита ҳаётимизда чўнтакли либосларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. М. Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида пул солинадиган ҳамён маъносини берувчи сўз “жанчук” [3.52] (йанчук) тарзида келтирилади. Кийим-кечак номларини махсус тадқиқ этган М. Асомиддинова “XVI асрдан асосан чўнтак сўзи умумлаша борган. Фикримизча, бу XVI асрда ва ундан сўнг Даштиқипчоқдан кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар тилининг таъсири бўлса керак” [8.37-38] деган қарашни илгари суради. Бу эса бизга кийимнинг бир қисми ҳисобланмиш чўнтак билан боғлиқ бу ўйин турининг яралиши анча узоқ ўтмишга бориб тақалади, деган хулосага келишимиз учун имкон яратади.

Ўйиннинг айнан “Чап чўнтак” дейилишининг ўзи ўнг чўнтак ҳам мавжуд эканлигини тақозо этади, бу эса ўнг ва сўл чўнтакли кийимларни, яъни эркаклар либосларини англатади. Аёллар кийимларида чўнтакларнинг пайдо бўлиши анчагина кейинги даврларга хос ҳодисадир. Шундай экан, “Чап чўнтак” ўйинининг ўғил болалар ўйини сифатида шаклланиб, ўз тақомилига эришгани ортиқча изоҳ талаб этмайди.

“Мушт кетди” ўйини ўғил болалар томонидан асосан кечқурунлари уйда давра қуриб, бир-бирларига яқин ўтирганларида ўйналади. Ўйин тасодифан бошланади. Болалар эртак, топишмоқ, тез айтиш айтишиб ўтириб зерика бошлаганларини сезган бола “Мушт кетди!” дея ёнида ўтирган шеригини муштлиди, у ҳам эса ўз навбатида “Мушт кетди!”, деб ёнидаги болага мушт туширади. Ўйин шу тариқа муштлар кетма-кетлиги асносида давом этади. Мушт тушиши мумкин бўлган бола эпчиллик қилиб чап бериб, мушздан қутулиб қолса, муштни эгасига етказа олмаган бола ўйинда ютқазган ҳисобланиб, қолган иштирокчилар томонидан қўйилган турли хил шартлардан

бирини бажариши, масалан, қўшиқ айтиб бериши, ўйинга тушиб бериши лозим бўлади.

Мазкур ўйин айнан мана шу ном билан ва худди шу тартибда қирғиз болалари ўртасида ҳам кенг оммалашган [9.95]. Бу ўйин ўйналиши учун махсус ўйин майдони ва алоҳида шароит талаб этилмагани учун ҳам йилнинг деярли барча фаслида доимий равишда истеъмолда бўлади.

“Мушт кетди” ўйини М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “Ўтўш-ўтўш” номи билан берилади. Бу шундайки: болалар ҳалқа (давра) бўлиб ўтирадилар. Болалардан бири ёнидагини туртади ва унга ўтўш-ўтўш дейди, яъни “ёнингдагини ҳам турт” дейди [3.92]. Бу эса ўйиннинг анча қадимий ва умумтуркий ўйинлар сирасига киришини кўрсатади.

“Мушт кетди” ўйини болаларда жасурлик, эпчиллик, қаҳрамонлик каби хислатларни шакллантиришда ва уларни жанговарлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга моликдир.

Юқорида баён этилган фикрларни мухтасар қилган ҳолда, қуйидагича хулосалар ясаш имкони яралади :

- Наманган болаларининг ўйинлари вақтга муносабат ифодалашига кўра икки гуруҳга ажралади: мавсумий ўйинлар ва доимий ўйинлар;

- Наманган болаларининг ўйинлари таркибида доимий ўйинлар миқдори мавсумий ўйинларга қараганда камроқ;

- Доимий ўйинлар йил фасллари алмашилишидан қатъий назар истеъмолда бўлади;

- Наманган болаларининг доимий ўйинлари ўзига хос локал хусусиятларга эга;

- Наманган болалар ўйин фольклори таркибида ўзига хос поэтик ва композицион қурилишга эга бўлган доимий ўйинлар мавжуд ва улар тадқиқ ва таҳлил объекти учун етарлича материал беради.

References:

1. Mirzaeva S. O'zbek xalq romantik dostonlari poetikasi. – T.: Fan, 2004.
2. Galiev SH. O'zbek bolalar o'yin folklori. – T.: Fan, 1998.
3. Koshg'ariy M. Devonu lug'otit turk. 3 jildlik, 3-jild. – T., 1963.
4. Jahongirov G'. O'zbek bolalar folklori. – T.: O'qituvchi, 1975.
5. Ming bir bola o'yini. To'plab, nashrga tayyorlovchilar G'. Jahongirov, B. Mahmudov. – T.: Yosh gvardiya, 1978
6. Jo'raev M. O'zbek mavsumiy marosim folklori. – T.: Fan, 2008.
7. Safarova N. O'zbek bolalar o'yin folklori tabiati. – T.: Fan, 2008.
8. Asomiddinova M. Kiyim-kechak nomlari. – T.: Fan, 1981.
9. Kasen A. Кыргызские игры и развлечение. – Bishkek: izdatel'stvo «Ilim», 2004.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)